



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 7 декабрь, № 252 (7210)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МДХНИНГ НОРАСМИЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 6 декабрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган норасмий мажлисида иштирок этди.



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин кутиб олди.

Суратга тушиш маросимидан сўнг МДХга аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий учрашуви бошланди.

Алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизнинг Ҳамдўстликка аъзо давлатлар билан ҳамкорлиги турли йўналишларда изчил ва ҳар томонлама ривожланиб бормоқда.

Президентимиз жорий йил 28 сентябрь куни Душанбе шаҳрида бўлиб

ўтган МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этган эди.

Ўтган даврда мамлакатимиз МДХ доирасида ўн та тармоқ бўйича ҳамкорликка қўшилди. Ўзбекистон ташкилот Парламентлараро ассамблеясининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди, Ўсимлик

лар карантини бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, Фан-техника ва инновация соҳаларида ҳамкорлик бўйича давлатлараро кенгаш, Агроекономика комплекс масалалари бўйича кенгаш, Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш бўйича комиссия, МДХга аъзо

давлатлар хавфсизлик органлари ва махсус хизматлари раҳбарлари кенгаши, МДХнинг хизматлар бўйича эркин савдо зонаси тўғрисида битимини ишлаб чиқишга оид юқори даражали ишчи гуруҳ ва бошқа органлар фаолиятига қўшилди.

Ўзбекистон МДХ мақолида ўзаро бозорларни шакллантириш, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, халқаро ва минтақавий транспорт йўлақларидан самарали фойдаланиш тарафдоридир.

Жорий йилда Ўзбекистон Ҳамдўстлик доирасида Мудофаа вазирлари кенгаши, Уруғчилик масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича кенгаш, Геодезия, картография, кадастр ва Ерни масофадан туриб зондаш бўйича давлатлараро кенгаш мажлислари ва кўплаб бошқа муҳим тadbирларни ўтказди. Бу турли соҳаларда кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорликни сезиларли даражада фаоллаштириш, иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни мустаҳкамлаш, саноат кооперациясини кенгайтириш имконини берди.

Учрашувда Ҳамдўстлик давлатларининг савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, транспорт-коммуникация салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шунингдек, хавфсизликни мустаҳкамлаш, замонавий хатар ва таҳдидларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш масалаларига эътибор қаратилди.

Гуманитар, таълим ва туризм соҳаларида алмашувларни изчил давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси келаси йил МДХда ҳамраис, 2020 йилда эса МДХ Давлат раҳбарлари саммитига мезбон бўлади.

МДХ норасмий саммити доирасида Президентимиз қатор давлат раҳбарлари билан икки томонлама суҳбатлар ўтказди. Уларда 2018 йилда самарали шерикликнинг асосий яқунари ва келгусидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Санкт-Петербург шаҳрига ташрифи якунига етди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.



ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИГА ДАХЛДОР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

2018 йил 6 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Мажлис кун тартибига киритилган масалалар сиёсий партияларнинг парламент қули палатасидаги фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи йиғилишларида дастлабки тарзда муҳокама қилинган эди.

Депутатлар ишни «Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар томонидан қўшма аксилтеррор ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини кўриб чиқишдан бошладилар.

Қайд этилганидек, 2008 йилнинг 28 августидан ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси томонидан бир қатор ҳужжатлар, шу жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар томонидан аксилтеррор ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Битим ҳам имзоланган эди. Битим қоидаларига қўра, бундай ўқув машғулотларини ўтказишдан мақсад — Томонлар-

нинг ҳудудларида террорчилик ҳаракатлари содир этилганда ёки шундай хавф-хатар пайдо бўлганда қўшма ҳаракатларни амалга ошириш учун махсус аксилтеррор тузилмаларини тайёрлашдан иборат.

Депутатлар нафақат мамлакатимиз, балки минтақада хавфсизлик ва оқсоқилликни таъминлаш мақсадида бу борада халқаро таъжриба алмашиш ҳамда ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органлари аксилтеррор бўлинмаларининг террорчи гуруҳ аъзолари фаолиятларини бартараф этиш бўйича махсус операцияларини ўтказишда мувофиқлаштирилган ҳаракатларини такомиллаштириш заруратини инобатга олган ҳолда, ушбу халқаро ҳужжатни ратификация қилиш муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар ва уни ёқлаб овоз бердилар.

Шундан сўнг мажлис кун тартибига киритилган навбатдаги масала — «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси атрофида муҳокама этилди.

Парламент назорати

СЕКТОР РАҲБАРЛАРИ ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛГАН. НЕГА?

Сўнгги икки йил давомида мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, унга қарши курашиш — давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Шундай бўлса-да, ҳали ҳам ўз қўли остидагиларни мажбурий меҳнатга ундаётган раҳбарларнинг борлиги тизимда олиб борилаётган ишларни янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Жумладан, йил бошидан буён шу масалада ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган шахсларга нисбатан мансаб лавозимидан қатъи назар қонунда белгиланган тартибда қоралар қўрилган. 169 нафар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш комплекс бўйича секторлар раҳбарлари, яъни туман ва шаҳар ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари интизомий жавобгарликка тортилган. Уларнинг 30 нафари эгallaб турган лавозимидан озод этилган.

Бу ҳақда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси, Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамда Фуқароларнинг кафолат-

ланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссиясининг қўшма мажлисида айтиб ўтилди. Шунингдек, унда Халқаро меҳнат ташкилотининг «Мажбурий меҳнат тўғрисида»ги ҳамда «Мажбурий меҳнатни тутатиш тўғрисида»ги конвенцияларининг мамлакатимизда икром этилиши ҳолатини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

— Мажбурий меҳнатга барҳам бериш, фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашда соҳага доир қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш алоҳида ўрин тутади, — дейди парламент юқори палатасининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Зайниддин Низомхўжаев. — Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Респуб-

КОНСТИТУЦИЯ — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИ БЎЛГАНМДАН ФАХРЛАНАМАН

Яқунланаётган йил ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фармонида асосан, шу юрт фуқароси бўлдим. Бундан жудаям қувондим. Таниган, билганларнинг ҳаммаси табриклади. Негаки, бу кунни салкам 27 йил кутгандим.

Олий таълимни Украинанинг Харьков шаҳрида олганман. Ўзбекистонга қайтган, 2009 йилга қадар «Навоийазот» АЖда ишладим. Соғлигимдаги муаммо тufайли I гуруҳ ногиронлиги нафақасига чиқдим. Умуман, бу дeйдpa кам бўлганим йўқ. Аммо ҳали айтиб ўтганимдек, Ўзбекистон фуқароси эмаслигим доимо юрагимдаги кемтик бўлиб турарди. Минг шукр, бу бахтга ҳам эришдим.

Мен қатори Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинган шахсларнинг ўзбек, украин, тожик ва рус миллати вакиллари эканлиги

ҳам юртимизда бағрикенглик т у ш у н ч а с и юксак қадрланиши, ҳар бир инсон жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллигининг амалий тасдиғидир. Зеро, бу Асосий Қонунимизда ҳам ёзиб қўйилган.



Олег ШИМЧУК.
Новий шахри

ЮКСАК МУКОФОТЛАРНИНГ ИЛК СОҲИБЛАРИ

Кеча мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга ўзининг самарали меҳнати билан муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ соҳа фидойиларига «Илғор фермер», «Меҳнаткаш деҳқон» ва «Намунали томорқачи» кўкрак нишонлари тантанали равишда топширилди.

Эътироф

Унинг соҳиблари Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган мазкур юксак мукофотни касб байрами — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги ходимлари кунини арафасида, минглаб ҳамкасблари орасида биринчилардан бўлиб қабул қилиб олишди.

Дарҳақиқат, халқимиз орасида азал-азалдан миришқор деҳқонлар ўзгача ҳурмат қилинади, машаққатли меҳнати қадрланади. Бинобарин, дастурхонимиз баракаси, турмушимиз фаровонлиги кўп жиҳатдан уларнинг заҳматли хизмати билан боғлиқ. Шу боис кейинги пайтда иқтисодиётимизнинг аграр соҳасига бозор муносабатларини жорий этиш жараёнида мулкдорларнинг янги синфини шакллантириш, уларнинг амалда мустақиллиги ҳамда ҳуқуқий ҳимоясини қучайтириш, шунингдек, илғор қишлоқ мулкдорларини рағбатлантиришга алоҳида эъти-

бор қаратилмоқда. Натижада янги тармоқлар ўзлаштирилиб, аграр соҳа истиқболда нурли уфқлар очилляпти. Охириги йилларда унаби боғлари яратилгани, заъфарон, ковул сингари доривор ўсимликлар плантациялари ташкил этилгани бунга мисолдир.

Айтиш жоизки, бу борада бошқаларга ибрат бўлаётган, амалиётга илғор агротехнологияларни қўллаб, юқори самарадорликка эришаётган боғ ва дала меҳнаткашлари тажрибаси оммалаштириляпти. Янгиликка интилувчан соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани эса уларнинг ерга бўлган меҳрини янада кучайтирмоқда. Жорий йилда илк бор тақдим этилаётган кўкрак нишонлари ҳам айни шу эзгу мақсадга қаратилгани билан диққатга сазовор.



ЁШ ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ



Бунгача ўсмирларимиз мазкур Олимпиадада энг яхши натижасини 2004 йилда қайд этган эди. Яъни ўшанда учинчи ўринни эгаллашган. Демак, бу галгиси тарихий натижадир.

Маросимда ёш иқтидор эгалари — халқаро гроссмейстер Нодирбек

Абдусатторов, халқаро тоифадаги спорт усталари Нодирбек Ёқубов ва Шамсиддин Воҳидовга Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — “Spark” автомобиллари топширилди.

Мураббий Сайдали Йўлдошевга эса Миллий олимпия қўмитаси томонидан 15 000 000 сўм миқдорда пул мукофоти тақдим этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Нодирбек Абдусатторов кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик учун миннатдорлик билдириб, келгусида янгидан-янги марраларни забт этишга ваъда берди.

Азамат МУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

СЕКТОР РАҲБАРЛАРИ ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛГАН. НЕГА?



Агар илгари пахта йигим-терими мажбурий меҳнатдан фойдаланишнинг турли шакллари намоён бўладиган жараён сифатида қайд этилган бўлса, эндиликда, аксинча, бу мавсум фуқаролар, айниқса, ёшларнинг меҳнат ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ишга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фуқаролар даромадларини оширишнинг манбаига айланмоқда. Хусусан, бу борада жой-

лоятининг Зафаробод тумани ҳокимлиги томонидан тумандаги 4 та касб-ҳунар коллежи раҳбари “Обод қишлоқ” дастури доирасида ҳудудларга бириктирилиб, аҳоли хонадонларини бузиш, таъмирлаш ва қайта қуриш ишларига жалб қилингани кузатишган.

Мажлис иштирокчилари томонидан мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай шаклидан фойдаланишнинг олдини олиш учун жойларда йўлга қўйилаётган мониторинг ва қайта алоқа механизмлари, жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтириш зарурлиги айтилди.

— Жойларда аҳоли билан учрашиб, уларнинг яшаш шароитлари билан яқиндан танишганимизда меҳнат ҳуқуқларининг бузилишига кўп гувоҳ бўляпмиз, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Мавлуда Ҳўжаева. — Бунинг асосий сабаб-

“Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади”.

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 37-моддаси.

ларда теримчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш ҳамда пахта етиштирувчи хўжаликларнинг молиявий ҳолатини янада мустаҳкамлаш чоралари қўрилган. Бу йилги пахта йигим-терим мавсумига замонавий бозор механизмларининг жорий этилиши бу борада ижобий натижаларга эришишни таъминлади.

Мажлисда бир қатор ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқ мисоллар билан келтирилди. Хусусан, Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги 83-умумтаълим мактаби директори томонидан мактаб ўқувчилари ўз розилигисиз ободонлаштириш ишларига жалб қилинган. Жиззах ви-

лари фуқаролар ўзларининг меҳнат ҳуқуқларини билмаслиги, иш берувчиларнинг зиммасига қандай масъулият юкланганидан бехабарлиги билан боғлиқ. Энг ачинарлиси, одамларимиз ўз ҳуқуқларини талаб қилмайди. Мажбурий меҳнатнинг асл сабаблари ҳам шунда, аслида. Бу борада қилиниши лозим бўлган ишларимизни ҳудудларда, туманлар кесимиди янада кучайтиришимиз зарур.

Мажлисда ушбу йўналишда бажарилиши лозим бўлган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Мунисхон КАРИМОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК РАМЗИ



Чиноз туманидаги “Тонг юлдузи” маҳалла фуқаролар йиғини ўзгача қиёфа касб этди. “Обод қишлоқ” дастури доирасида бу ерда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари бажарилди. Йўллари асфальтланди, янги тураржойлар ва маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилди.

Қишлоқни ободонлаштириш чоғида, бу ерда кўпроқ тожик миллатига мансуб фуқаролар яшаши инobatга олиниб, ўзбек ва тожик халқларининг урф-одат ҳамда анъаналарини яққол акс эттиришга алоҳида эътибор қаратилди. Энг гўзал бинода ўзбек — тожик маданият маркази жойлаштирилди. Бу ердаги кутубхонада ўзбек ва тожик мумтоз адабиёти дурдоналари билан бир қаторда, замондош ёзувчи ҳамда шорлар асарлари ҳамланган. Ҳуку ва анжуманлар зали, тиббиёт хонаси зарур асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Қишлоқдаги 47-умумтаълим мактаби тўлиқ қайта таъмирланди ҳамда 180 ўринли қўшимча бино қурилди. Янги спорт залида болалар учун барча шарт-шароит мавжуд. 8-мактабгача таълим муассасаси эса бутунлай янгидан барпо этилди. 60 ўринга мўлжалланган ушбу боғча замонавий талабларга жавоб беради. Эътиборлиси, ҳар икки муассасадан ҳам таълим-тарбия ўзбек ва тожик тилларида олиб бориляпти.

Янги қурилган спорт майдончасида барча имконият бор. Тўғарақлар фаолият бошлади. Боғ ва гулзорлар ташкил этилди. 28 та хонадонда уй тўйлар бўлиб ўтди. 120 иш ўрнига мўлжалланган “Фафир” тўқимачилик фабрикаси очилди.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадидда давлат хизматлари туман маркази филиали ташкил этилди.

Худуддаги Тинчлик, Ободлик, Ёшлик қўчаларига асфальт ётқизилди. Бу каби бунёдкорлик ишлари рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Сирасини айтганда, тожик овул, том маънода, тонг юлдузига айланди. Янги қиёфа касб этган қишлоқда тантанали

тадбир ўтказилди. Унда сўзга чиққан давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар одамларни рози қилиш мақсадида йўналтирилганлигини алоҳида таъкидладилар. Бу гоё ташкил этилган бадий қишлоқларда ҳам ўз аксини топди. Янги қишлоқ халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарликнинг чин маънодаги рамзига айланганини ўзбек ҳамда тожик тилларида шеър қўшиқлар баралла янраганидан ҳам билиш мумкин эди.

Тадбирда Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Факултетада ва мухтор элчиси Содиқ Имомий иштирок этди.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЮКСАК МУКОФОТЛАРНИНГ ИЛК СОҲИБЛАРИ



Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан мукофотни муносиб эгаларига тақдим этиш, шаффофлик-

ни таъминлаш мақсадида махсус Нисоз ишлаб чиқилди ҳамда комиссия ташкил этилди. Натижада соҳа жонқуярларидан 122 нафарига “Илгор фермер”, 25 нафарига “Меҳнаткаш деҳқон”, 70 нафарига эса “Намуна-

ли томорқачи” кўрак нишонлари берилди.

— Ўз ишинга меҳр қўйсанг, чин дилдан меҳнат қилсанг, ҳаракатларинг бе-самар кетмас экан, — дейди “Илгор фермер” кўрак нишончи соҳибаси, Денов туманидаги “Мустафоева Обод” фермер хўжалиги раҳбари Зулхумор Окўбаева. — Бизнинг фермер хўжалигимиз 2006 йилда ташкил этилган бўлса, доим шартномани бажариб кел-япмиз. Деҳқончилик учун мураккаб келган жорий мавсумда ҳам пахтачилик ва галлачиликда зимманимизга олган мажбуриятни ортиги билан уздаб, эл-юрт олдида юзимиз ёруғ бўлди. Бу юксак мукофот мени янги марралар сари руҳлантиради. Келгусида фермер хўжалигимиз фаолиятини янада кенгайтириб, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшамиз.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Галлачилик:

ҲОСИЛДОРЛИК ВА ДАРОМАДНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТИ ЯНАДА КЕНГАЙДИ

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳаси, айниқса, галлачилик тармоғида амалга оширилаётган ислохотлар замирида, аввало, фермерлар даромадини юксалтириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадлари мужассам. Аммо мазкур жабҳадаги реал ҳолат таҳлили яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганини, ҳамон ўз ечимини кутаётган жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган “Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳа равнақида тўғанок бўлаётган муаммоларни бартараф этиш ва уни сифат жиҳатидан янада ривожлантиришга қаратилган.

Ислохот

Дарҳақиқат, мазкур ҳужжатда давлат хариди учун бошоқли дон етиштириш бўйича амалдаги тартибдан мутлақо фарқ қиладиган **янги тизим ва механизмлар** жорий этиш назарда тутилганки, бу фермер хўжаликлари даромадини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Гап шундаки, қарорга мувофиқ, етиштириладиган бугдойнинг ҳар бир тоннаси учун кафолатланган давлат харидининг ўртача нархи **1 миллион 200 минг сўм** этиб белгиланди. Бу жорий йилдагига нисбатан **1,6 баробар** юқори эканлигини инobatга олсак, галлакорларнинг молиявий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатиши ойдинлашади.

Қолаверса, эндиликда давлат хариди учун етиштирилган маҳсулотларни табақалаштирилган нархларда, яъни **25 фоизгача устама** ва чегирмалар қўллаган ҳолда сотиб

олиш тартиби жорий қилинади. Мисол учун, фермер хўжалиги 30 гектар суғориладиган галла майдонидан ўртача 62 центнердан ҳосил

олиб, ҳар гектаридан 30 центнерни контрактация шартномаси асосида топширса, унга топшириладиган 90 тонна доннинг ҳар бир тоннаси учун устамани ҳисобга олганда, 1 миллион 500 минг сўмдан жами 135 миллион сўм тўлаб берилади. Бунда, фермер 27 миллион сўм қўшимча даромад олади.

Шу ўринда айтиш лозимки, **рес-публикамиз бўйича 2018 йил ҳосили учун суғориладиган ерларда галла парвариллаган 60 544 та фермер хўжалигининг 48 190 таси ёки ҳар бештадан тўрттасида ҳосилдорлик 40 центнердан ортиқни ташкил этган.**

Яна бир янгилик қарор асосида маҳсулот етиштирувчиларнинг турли табиий офатлардан етарли даражада ҳимояланганлигига оид. Яъни фавқулодда ҳолатлар (курғоқчилик, табиат ҳодисалари ва бошқа форс-ма-

жор ҳодисалар) оқибатида қутилган ҳосил олинмаган тақдирда ҳамда бу ҳолатлар Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ҳудудий комиссия томонидан тасдиқланса, давлат хариди учун етказиб берилган галлага ўртача харид нархида ҳисоб-китоб қилинади.

Қарорга биноан, шу каби имтиёзлар билан бирга, фермер хўжаликлари зиммасига **масъулият ва мажбуриятлар ҳам юклатилди**. Хусусан, 2019 йилдан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни параметрларига суғориладиган ерларда бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига ягона ер солиғини ҳисоблашда солиқ ставкаларида ҳосилдорликка қараб коэффциентлар қўллаш тартиби киритилган. Яъни гектаридан ўртача 30 центнер

ва ундан past ҳосил олинганда 2 баробар, ҳосилдорлик 31 центнердан 40 центнергача бўлганида эса 1,5 баробар кўпайтирувчи коэффциентлар қўлланилади. Шунингдек, суғориладиган майдонларда етиштирилган бошоқли дон ҳосилдорлигига қараб, давлат хариди учун етказиб берилган дон нархига 25 фоизгача чегирма қўллаш тартиби жорий этилди. Масалан, фермер хўжалиги ҳар гектар суғориладиган майдондан 30 центнердан кам ҳосил олса, 25 фоизли чегирма қўлланади ва давлат хариди учун топширилган доннинг ҳар бир тоннаси учун 900 минг сўм харид нархи белгиланади.

Эътиборли жиҳати, чегирма қўллаган ҳолда бир тонна дон хариди учун белгиланган 900 минг сўмлик нарх кам 2018 йил харид нархига нисбатан 1,2 баробар

кўпдир. Кўриниб турибдики, бунда ҳам фермер манфаати ҳисобга олинган.

Энг асосийси, ҳар гектардан 40 центнердан кам ҳосил олинганида “ерга нисбатан хиёнат” деб баҳоланиб, фермер хўжалиги бошлиғи билан маҳаллий ҳокимликлар ўртасида тузилган узок муддатли ер ижара шартномаси бекор қилинишигача бўлган чоралар қўрилади.

Мазкур тартибнинг қўлланилиши деҳқон ва фермерларнинг ҳосилдорлиқни кўпайтиришга бўлган интилишини кучайтириш, биринчи навбатда, ер унумдорлигини ошириш ва юқори ҳосил олишга қаратилган агротехника тадбирларини тизимли равишда ўтказишда асосий омил бўлади. Олтинга тенг бўлган суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, маҳсулот етиштириш ҳажмларини кўпайтириш бораидаги масъулиятини юксалтиришга хизмат қиладди.

Галла етиштириш харажатларини молиялаштириш тизими ҳам такомиллаштирилгани таъкидга сазовор. Агар амалдаги тартибга кўра, имтиёзли кредит давлат хариди учун етказиб бериладиган бошоқли дон қийматининг 60 фоизгача ажратилиб келинган бўлса, янги тартибда **100 фоизгача** берилади.

Қарор асосида амалиётга жорий қилинаётган янгиликлар, тақдим этилаётган имтиёзлар, пировардида ички бозорда бугдой, ун ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш, донни қайта ишлаш соҳасида рақобатни кучайтиришга мустаҳкам пойдевор бўлади. Зотан, хорижий давлатлар тахрибасини таҳлил қилган ҳолда, давлат хариди учун ҳосилни суғурташ тизимини такомиллаштиришга қаратилган бу сай-харажатлар ўзининг ижобий самараларини бериши муқаррар.

Зокир АЛЛАМУРОДОВ,
Ўзбекистон Фермер,
деҳқон хўжаликлари
ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлим бошлиғи.

Қарор ва ижро

«МАҲАЛЛА ИФТИХОРИ»
ЎЗ ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 июлдаги «Маҳалла ифтихори» кўрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқиб, яқинда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ўз фаолияти давомида юқори натижага эришган 314 нафар юртдошимиз номини эълон қилганди.

Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида уларга кўрак нишонлари тантанали равишда топширилмоқда.



Алишер ИСРОИЛОВ (ўрта) олган сурат.

бора камайишига эришилганлиги айтилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойида республикадаги мавжуд 9 мингга яқин маҳалла фуқаролар йиғинларининг 3 минг 53 тасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар рўй бермади. Шунга мос ҳолда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари асосида жойларда 144 саргарошхона, 94 гузаллик салоҳи, 63 тикувчилик цехи ҳамда 282 ҳаммом, 3637 иссиқхона иш бошлади ва 28 минг 792 кишининг бандлиги таъминланди.

— Иш тўғри ташкил этилса, кўзланган мақсадларга эришиш мумкин, — дейди Қўқон шаҳридаги «Қаймоқли гузар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Матлуба Содиқова. — Худудимизда

3 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Тарғибот-тушуштириш ишларимиз туфайли тадбиркорлар сафи кенгайиб бормоқда. Шулар ичига олиниб, менга ҳам «Маҳалла ифтихори» кўрак нишони берилди. Бундан жуда бахтиёрман. Келгусида ҳам бор-куч гайратимни аямайман.

— Маҳалламиз аҳли жуда фаол, — дейди Самарқанд тумани «Кавчион» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуҷалол Ризаев. — Ҳар ишда улар бизга елкадош. Худуддаги барча хонадон аҳли билан ҳамжихатлигимиз туфайли кейинги йилларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик қайд этилмади. Шу маънода, ушбу нишонни бутун маҳалла аҳлига берилган мукофот, деб биламан.

— Ҳар бир инсон, у қайси соҳа ёки лавозимда ишласин, меҳнатининг самарасини кўрса ва юксак даражада эътироф этилса, беҳад қувониши табиий, — дейди Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети доценти Зухра Реймова. — Менга ҳам таълим даргоҳидаги фаолиятим ва маҳалла билан ҳамкорлигимиз инobatга олиниб, ушбу кўрак нишони берилганидан мамнунман. Айни чоғда бу зиммамдаги масъулиятни янада оширади.

Бундай тантанали тадбирлар республикаимизнинг барча худудларида давом этмоқда.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

«Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллиги байрами билан қутлайди!

Жамиятимиз демократик тамойиллар асосида ривожланиб боришида Асосий Қонунимиз мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтаб келмоқда. Барчамиз ўз ҳаётимиз мисолида ҳам буни чуқур ҳис қилмоқдамиз.

Тенглик, эркинлик ва миллатлараро тотувликни кафолатлаган Конституциямиз байрами кутлуғ бўлсин, мухтарам ватандошлар!

«Дўстлик» ордени Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси

мамлакатимиз аҳолисини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллиги муносабати билан табриклайди!

Юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамияти қурилишининг мустаҳкам пойдеворини яратиб берган Асосий Қонунимиз ҳар биримизнинг кундалик ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга тўкинлик, Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнаши йўлида олиб бораётган ишларингизда муваффақиятлар тилайди.

«Uz-Prista» МЧЖ ҚҚ

МИНТАҚАВИЙ ДИЛЕРЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

www.prista-oil.com

«Prista» Oil Holding EAD» Марказий ва Шарқий Европа, Яқин Шарқ, Марказий Осиё ҳамда Шимолий Африканинг 45 дан ортиқ давлатларида фаолият юритувчи етакчи компаниялардан бири ҳисобланади. Ушбу компаниянинг ишлаб чиқариш қувватлари энг янги замонавий ва инновацион технологиялар асосида қурилган. Маҳсулот турининг хилмаҳиллиги ўз тадқиқотларимиз ва «Chevron», «Gulf Oil Marine», «Lubrizol» ҳамда дунё миқёсидаги бошқа етакчи компаниялар билан ҳамкорлик маҳсулидир.

«Prista» Oil Holding EAD» компанияси Болгария, Венгрия ва Ўзбекистонда заводларга эга бўлиб, у ерда мотор мойи, антифриз, мойлаш материаллари ҳамда махсус суюқликлар ишлаб чиқарилади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар савдоси инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида «Uz-Prista» МЧЖ қўшма корхонаси (Ўзбекистон) минтақавий дилерлар танловини эълон қилади.

Агар сизда қизиқиш уйғонган ва ушбу соҳада тажрибангиз бўлса, шу йўналишдаги фаолиятингизни ривожлантиришни истасангиз **2018 йил 25 декабргача** ўтказиладиган танловга info@prista-oil.uz / telegram: +99890-997-73-44 манзили орқали ариза топширишингиз мумкин.

Танловда қатнашиш учун сиз:

- компаниянгиз бизнеси ва фаолият соҳаси, тарихи ҳақида қисқача презентация;
- истикболда ўзингиз ҳамкорлик қилмоқчи бўлган минтақада савдони кучайтириш бўйича концепциянгизни тақдим этишингиз лозим.

Эркин ривожланиш минтақалари:

- Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти;
- Гулистон шаҳри ва Сирдарё вилояти;
- Навоий шаҳри ва Навоий вилояти;
- Термиз шаҳри ва Сурхондарё вилояти.

Махсулот сертификатланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мулоффа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мазкур қўмита аъзоси Комила Каромовага турмуш ўртоғи **Акрам КАРИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63, 71-232-11-15.

E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 717 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Ташриятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-йў.
Набатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Набатчи — Д. Каримов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.20 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6